

ПАХТАКОР, ҲИММАТИНГА БАЛЛИ!
КЕЧА ОБЛАСТИМИЗ 3,37, МАШИНАДА
4,44 ПРОЦЕНТ ПАХТА ТАЙЁРЛАДИ.
АНДИЖОН ВА ФАРҶОНАДАН ЎЗДИК.

Оққўрғонликлар кеча машина билан 5,42
процент, ўртачирчиқликлар 5,11, юқоричирчиқ-
ликлар 6,53 процент пахта тердилар. Пахтазор
лочинлари—механизаторларга қойил.

Янгийўл, Калинин, Бекобод пахта-
корлари, отни қамчиланг, пешқадам-
ларга тенглашинг. Барча хўжалик-
ларда терим машиналари бетўхтов
ишласин. Суръатга-суръат қўшайлик!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАҲИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

13 НИЛ ЧИҚИШИ
№ 185 (3413).

21

сентябрь

ЧОРШАНБА

1966 йил

Баҳоси 2 тийин.

БИРИ-БИРИГА МАДАДКОР

Тошбоқ бункерга дастлабки
тўлдирилган пахтасини принципга
ағдараётганда хўш, узокдаги
катта йўлдан тўғри шу томон-
га йўртни келатган «зангори
кема» кўзга ташланиб қолди.
Ким бўлди экан? Наҳотки
Умурзоқ бўлса! Ахир унинг
звеноси бугун-эрта маррага
етай, деб турибди-ку. Бу то-
монларда нима қилади?

Орадан кўп ўтгани йўқ, Тош-
боқ бункерни бўшатиб «пулат
от»ни навбатдаги эгратларга
буралётганда Умурзоқ етиб кел-
ди. Ҳорма-бор бўл, деб хол-
ахвол сурашгач, Тошбоқ унга
синовчан назар ташлаб сура-
ди:

— Ҳа, мусобақадор, қайси
шамол учирди, хўш кўрдик,
ҳамма ёйда «Умурзоқ» пойгада
олдида, совринни уша олар-
миш» деган гап. Сиз бўлсан-
гиз бу томонларда...

— Совринни олишга оламиз.

Бундан хотиржам бўлаверинг.

Кейинги теримни бошлаш учун

икки-уч кун сабр қилишга тўғри

келиб қолди. Обдон очилмо

берсин, дейилди. Ана шунда

яна бир «пулат от»га қамчи

босади, совринни маррага элти

бди. Тошбоқнинг ўзи

мусобақадорига қилиб боқиб
кўнглидаги мақсадни айтиди.—
эшитдим, мана, кўриб ҳам ту-
рибман. Сизнинг звенонингизда
бел боғлаб, ҳавас билан терса
арзийдиган пахта бор, Ҳашар-
га келдим.

Чиндан ҳам шундай эди.
Умурзоқлар звеносида гуза
баргларни барнақт тўктирилди.
Теримга эрта киришди. Гуза
машинабон қилиб ўстирилган,
ҳосил қунонам бўлиб берганки,
асти қўйверасиз. Дефоляциядан
кейин қўсақлар бодроқдай
очилиб кетди. Умурзоқнинг ўзи
эгарланган отдай шайлаб кў-
нглидан машинаси жилвонини
маҳкам тутиб, пахтазорда жа-
вон урабди.

Дастлабки кунларда қўз қунайдиган,
дил қунайдиган натижаларга
эриша бошлади Умурзоқ.

Одамларнинг айтганларича

бор. Умурзоқ пахтазор бағри-
да ўз «зангори кема»си билан

чинакам жасорат кўрсатиб иш-
лади. 9 — 10 иш кунда эл

хирмонига «зангори кема»

бункердан 60 тошнадан зиёд

зар тўқди. Биринчи теримнинг

ўзидек звенонинг йиллик piani

70 процента яқинлашиб

қолди. Ҳади Умурзоқнинг ўзи

айтганидай яна икки-уч кун
сабр қилинса иккинчи терим
бошланади. Ана шунда план
йўғи 11 — 12 иш кунда план
дўндирилиб, Умурзоқлар звено-
си маррага етганликлари тў-
ғрисида галаба рапорти бера-
дилар.

— Раҳмат, жуда мовритида
келдингиз, — хурсанд бўлиб
леди нихот Тошбоқ, — икки-
ламиз биргаликда елкама-елка
туриб терсақ эрта-инди биз-
нинг звено ҳам сизларникига
етиниб қолди. Ахир мен
ҳам қараб турмайман. Бу ерда
теримни тамомласақ, иккинчи
теримни сизларда бошлаймиз-
да.

Умурзоқ кенг пайкаларга
завқ билан нигоҳ ташлади. Ҳо-
сил қамчи эмас, ўзининг звено-
сидан қилишмайди. Бу звено
ҳам бемадор 27—28 центнер-
дан хирмон кўтарди. У мана
шунлар ҳақида ўйлади-ю, уни-
версал педалини босди. Қўз-
ратли машина уридан қўзга-
либ, олға қараб йитида кетди.
Дам ўтмай машиналар дами
минг-минг чаноқлардан қайнаб-
тошган олтин нуфраларни қам-
раб бункерлар зарга тула бош-
лади.

Тошбоқлар звеносида кечаги
кун 4 процент миқдорда пах-
та тайёрланганди. Энди унга
Умурзоқ мадад берайли. Му-
собақадорига дўстона қўмак-
лашайли. Бугун камиди 7—8
процент «оқ олтин» тайёр бў-
лиши турган гап.

Ҳа, шундай. Янгийўл райо-
нидаги «Интернационал» кол-
хозининг барча звеносида
«зангори кема»лар бетиним
ишляпти. Машиналарнинг бе-
кор туриб қоллишига сира йўл
қўйилмапти. Биринчи терим-
ни тамомлаганлар иккинчи
терим бошлангунга қадар ўз
қўшиларида мадад беришляпти.
Ҳамманинг мақсади битта. Пе-
шога тери билан етишти-
рилган ҳосилни тез-у, сўз териб
олиб, маррага эртароқ етишди,
эртароқ галаба рапортига имзо
чекниди!

Бундан-қўнгра терим суръати-
ни ошираётган, маррага тобора
яқинлашган «Интернацио-
нал» колхозининг бир-бирига
мададкор дала гвардиячилари
— Умурзоқ Бухарбоев, Тош-
боқ Сарсонбоев сингари азамат
механик-ҳайдовчиларига балли!
У. ЖОНГИТОВ.
Янгийўл.



Суратларда: (юқорида) звено
бошлиғи ўртоқ Умурзоқ Бухар-
боев. (Пастда) машина терими-
найли.

А. Абалли фотолари.

ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

ОҚҚЎРҒОН. Ўртоқ Абдука-
рим Ахтанов бошлиқ участка
пахтакорлари Янгим теримда
Оқунбобоев номли колхозда
пешқадамлик қилмоқдалар.
Генерал бошга камиди 26
центнердан хирмон кўтаришга
аҳд қилган бу участка деҳқон-
лари кун сайин суръатини жа-
даллаштиришляпти. Янги ҳосил-
нинг ўндан саккиз қисмини
«зангори кема»лар билан йи-
ғиб-териб оламиз, дейётган аза-
мат механизаторлар шу кун-
ларда ўз агрегатларини бети-
ним ишлятишляпти. Моҳир ме-
ханик-ҳайдовчилардан комму-
нист Тўхта Умурзоқов, Жўра-
бой Мирзаев, Исҳоқ Алимбе-
тов ўртоқларнинг ҳар бири кун-
нига бункердан хирмонга беш
олти тошнадан пахта тўқаяпти.
Участка пахтакорлари сапоқ-
ли кунлардан кейин «Йиллик
планини шароф билан бажар-
дик» деб галаба рапорти бери-
шди.

Э. ОТАБОВЕВ.

ТҮЯТЕПА. «Партия XXII
съезди» колхозининг ўртоқ И.
Мусаев раҳбарлик қилаётган
2 участкаси деҳқонлари бу йил
ҳар йилга қараганда анча
баракатли ҳосил етиштиришга
муваффақ бўлди. Эндилик-
да улар бутун куч ва эътибори-
ни ана шу пешона тери билан
етиштирилган ҳосилнинг бирор
граммининг ҳам ноубуд қилмай,
бегинарчилик бошлангунга қа-
дар батамом йиғиб-териб олиш-
га қаратмоқдалар. Ҳозир суръ-
ат кун сайин ошаяпти. Бунда
«зангори кема» капитанлари-
дан Абдурахим Эргашев, Ма-
лиқ Аҳмедов, Тоир Эргашев
сингари ўртоқларнинг ҳиссаси
катта бўляпти.

Ш. ХОЛМУҲАМЕДОВ.



ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТҒРИСИДА 20 СЕНТЯБРГА БУЛГАН
МАЪЛУМОТ

(Илганга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда теримган	Маъму бошқари	Бир кунда теримган	Маъму бошқари
Оққўрғон	4,24	24,53	5,42	30,42
Орқоникдэ	3,07	23,64		
Ўрта Чирчиқ	4,18	20,57	5,11	20,29
Бекобод	2,58	19,70	3,46	14,80
Юқори Чирчиқ	3,88	18,83	6,53	22,86
Бўка	3,13	17,99	4,40	19,81
Калинин	2,37	17,86	0,50	10,00
Янгийўл	2,52	16,74	2,95	12,64
Область бўйича	3,37	20,01	4,44	20,83

БУТУНИТТИФОҚ МУСОБАҚАСИ ГОЛИБИГА БАЙРОҚ ТОПШИРИЛДИ

БУРЧМУЛЛА (ЎЗАТ).
Чаткол тоғлари этагида жой-
лашган «Бўстонлик» совхозига
СССР Министрлар Совети ва
ВЦСПСнинг кўма Қизил бай-
роғи топширилди. Хўжалик бу
мукофотга йилнинг биринчи
ярмида гўшт, сўт, жуз сотиш
давлат планларини бажаришда
Ўзбекистон совхозлари ораси-
да голиб чиққанлиги учун «са-
зоров бўлди. Пилла ва мева
сотиш мажбурияти ҳам бажар-
илди.

СОМАЛИ РЕСПУБЛИКАСИ- НИНГ ПРЕЗИДЕНТИ МОСКВАГА КЕЛДИ

МОСКВА. 20 сентябрь. (ТАСС).
СССР Олий Совети Президиуми
билан совет ҳукуматининг тақли-
фига бйпоан Сомали Республикаси-
сининг президенти Адан Абдулла
Усмон бугун Москвага келди.
Сомали Республикаси ва Совет
Иттифоқининг давлат байроқла-
ри билан безатилган Вуюково
аэродромда хўрмадли меҳмонни
СССР Олий Совети Президиуми-
нинг раиси Н. В. Подгорний,
СССР Министрлар Совети раиси-
нинг биринчи ўринбосари К. Т.
Мазауров, СССР Олий Совети Пре-
зидиуми раисининг ўринбосари
Д. С. Короченко ва бошқа рас-
мий кишилар кутиб олишди.

Кутиб олувчилар орасида
СССРдаги дипломатия ваколатхо-
наларининг бошлиқлари ҳам бор
эдилар.

АДАН АБДУЛЛА УСМОН Н. В. ПОДГОРНИЙ ҲУЗУРИДА БУЛДИ

Сомали Республикасининг пре-
зиденти Адан Абдулла Усмон 20
сентябрда Кремлда СССР Олий
Совети Президиумининг раиси
Н. В. Подгорний ҳузурда бўлди.
Н. В. Подгорний билан Адан
Абдулла Усмон ўртасидаги суҳ-
бат салимий дўстона вазиятда ўт-
ди. (ТАСС).

Колхоз раиси

Колхоз раиси—социалистик кишлқ хўжали-
гининг раҳбири, ташкилотчиси. Ҳамма жой-
да деҳқон хонадонининг сардори—раис отанинг
номи фахр-шайхори билан тилга олинади, чунки
бу муътабар зот улғур Ленин қашф этган энг
коллективизм хўжалигининг бошлиғи, қишлоқда пар-
тия сиёсатини рўбга қайарувчидир. Колхозчи-
лар оммаси унга иззат-ҳурмат ва ишонч билди-
риб, олий демократик принциплар асосида кетта
хўжаликка бошлиқ қилиб сўйлейдилар ва ўзлар
ни меҳнат қилиб пешона тери тўкиб яратган
беҳисоб бойлиқларини, хўжалик тақдирини унга
ишониб топшириб қўядилар.

Ишонч қўзғин билган, тadbиркор, софдил,
халол, ақл-заковатли колхоз раиси. Бу ишонч
оқлаш йўлида жон фидо этиб ишляди, излан-
ди, хўжаликни мушаккамлаш, комплекс ривож-
лантириш ҳақида қайғуради, мўл ҳосил етати-
тириш йўллари, ағдарди, прогрессив усул-
ларни жорий этиш, колхозчилар фаровонлигини
оширишни ўйляди, партиямиз белгилаб берган
улкан режаларни ҳаётга тadbик этиш учун тин-
май курашади.

Серкув республикамизда партия, халқ ишон-
чига сазовор булган бундай жонқуяр, тadbир-
кор, меҳрибон ташкилотчи раислар кўп. Ўзбе-
кистон партия ташкилотининг энг катта қизмат-
ларида бири шунки, у қишлоқ хўжалиғи
артелин моҳирлик билан бошқарадиган раҳбар
кадрларнинг жуда катта армиясини тарбиялаб
камол топтирди. Улар қишлоқ хўжалигининг
камол сохларда муваффақиятла ишлаб, эл
бойлиғига-болиқ қўшмоқдалар. КПСС XXIII
съезди қарорларини ҳаётга жорий этишда омма-
га бошлиқлик қилмоқдалар.

Бир неча йиллар давомида қишлоқ хўжали-
гимизда донг таратиб келган колхоз тузумининг
ташкилотчиларидан бири, уч марта Социалистик
Меҳнат Қаҳрамони маркум Ҳамроқул Турсунқу-
ловнинг мўтабар номини республикамизда зўр
афдор ва ҳурмат билан тилга оладилар. Аф-
сонлар қиссасида ҳамонан булган Мирзачўл-
нинг кўрик ерларида куаратли хўжаликка ай-
ланган «Коммунизм» колхозига бошлиқлик қила-
ётган камтарин, меҳрибон раисларимиздан Тур-
сунбой Латиповни ким танимайди, дейсиз? Сир-
дарё районидagi Ленин номи колхозининг раи-
си Назаро Йўлдошеваники! Узларининг инсоний
фазилатлари, олжаноб меҳнатлари, халққа қан-
дай хизмат кўрсатишининг ёрқин намуналарини
намоён этаётган бундай раисларимиз кўп ва
улар билан халқи ораидада фахрланамиз.

Раис—колхозчиларнинг умумий йиғилиши то-
монидан сайлаб қўйилади. Бу колхоз демократ-
иясининг ҳусусиятидир. Хўжаликнинг ташкилий
жиҳатдан бундай бошқарилиши колхоз тузуми-
нинг ҳаётлигини, коллектив хўжаликка уюш-
ган меҳнат ахли ҳуқуқлари ва бурчларининг, ун-

да раҳбарлик қилувчи кишилар ҳақ-ҳуқуқлари
ҳамда вазифаларининг қонуний муҳасамалати-
рилишининг намунаси. Демак колхозчилар-
нинг иродаси билан хўжаликка бошлиқ этиб сай-
ланган раиснинг вазифаси, бурчи муқаддас ва
шарофтли, шу билан бирга гоёт масъулиятлидир.
Халқ томонидан сайланиш—халқ ишончига са-
зоров бўлиш демакдир. Бу—халқ олдида гоёт
катта масъулиятни сезиб, юксак ишонч даража-
сида бўлишни тақозо этади. Раис ўзининг факат
иш билармонлиғи билангина эмас, хулқ-аъвори,
юрти-туртиш, поклиги, софдиллиги, камтарлиғи
билан ҳам барчага ибрат кўрсатиши, қишлоқ
меҳнаткашларининг қалбига йўл тобаиши,
кишилarga нисбатан меҳрибон ва дилқаш бўли-
ши лозим. Кишиларни қамқатиш, дилга озор
Берши, ҳўрқитиш, амалпарастлик, бетаровлиқ
хўжалик хонадон отахонининг ҳусусиятига сира
сигмайдиған энг ёмон, ярамас одатлардир.

Камтарлик, олжанобчилик, покжизлик умуман
совет кишиларига хос феазилатлар. Юксак ком-
мунистик одоб ва ахлоқ эгаи бўлган олжано-
б меҳнатсевар кишилар ҳаммавақт, қандай
аҳволда, қандай лавозим ва даражада бўлишлар-
идан қатъи назар, даставвал улар халқ хизмат-
қилириллар. Ҳақиқий камтарлик, ўзининг шах-
си бино қўймаслик, маманиликка берилмас-
лик, шўхрат кетидан қуммаслик, ютуқдан эсан-
кирамаслик колхоз раисининг феазилатидир. Фан
ва илгор тажрибига асосланиш, ақилларига, ком-
мунистларга, донишманд деҳқонларга таяниб
ишлаш—колхоз раҳбарларининг обрўсига-обрў
қўшади, уни улғулайди.

Шундай раислар ҳам борки, улар умуми кол-
лектив меҳнати туфайли эришилган муваффа-
қиятларини уялмай-нетмай ўз феазилатларининг
маъсули деб билиб ховлиқиб кетдилар, эсанки-
райдилар. Босар-тусарларини билмай қоладилар,
қандайдир шўхрат сохсида катто энг ёмон ишлар
қилишгача бориб етадилар.

Наманган районидagi «Ленинград» колхоз-
ининг собиқ раиси Мамадали Икромов ана шун-
дай шахслардан бўлиб чиқди. Партия, ҳукумат
ва халқ ишончидан амалда оқланмади, шўхрат
сохсида инсоф ва виждонини тарқ этди. Колхоз
меҳнаткашларининг жасорати, ишжояти туфайли
бу хўжалик юксалди Борди. Шу сабаблигина М.
Икромовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ун-
вони берилди. Колхозчилар унга ишонч билди-
риб, республикамиз олий давлат органига де-
путат қилиб сайлашди. Ҳав, одоб, андишадан
юз йўғран Икромов шу ишонч ва муҳаббатни
оёқ ости қилди. Энг ифлос, ярамас йўлга ки-
риб кетди. У ўз ҳамқишлоқларининг иззат-ҳур-
матини топтади, уларни ҳақоратлади, ўз балои
нафси йўлида ҳар қандай ёлқоқлик ва пасткаш-
лик қилишдан тортинмади. Кўпчилик даромади
ҳисобига қурилган колхоз богидан ўз шахсий

манфеати йўлида кўпроқ фойдаланди, айши-иш-
ратга берилиб кетди. Айрим қиз-жувонларнинг
орну-номусини ҳақорат остига олди. Шу район-
даги Карл Маркс номи колхоз раиси Исмонил
Йўлдошев, Чуст районидagi Энгелс номи кол-
хозининг собиқ раиси Немаматулла Бозоровлар
ҳам нияти бузук Икромовга тақлид қилиб, унинг
разил қилмишларига шерик бўлдилар.

Бу колхозларнинг бошланғич партия ташкилот-
лари қолаберса район партия комитети юз ту-
бан кетган, ёмонликка юз тутган коммунист,
колхоз раиси деган юксак номга доғ туширган
бундай кишиларни тийиб қўймадилар, уларнинг
хатарли, ифлос йўлдан бораётганликларини ўз
вақтида фож этиб ташламадилар, аксинча
уларнинг сохсига сажда қилиб юрдилар, танқид
ва ўз-ўзини танқиди, партиявий контролни бу-
шатириб юбордилар.

Колхоз бошланғич партия ташкилоти—қишлоқ
меҳнаткашларининг етакчиси, раҳбари, тарбия-
чиси. Қишлоқ ҳаётининг барча туб, ҳаётини,
моддий-маданий сиёсий масалалари шу ташки-
лот томонидан амалгў оширилади ва йўналиш-
риб турилади. Базан шундай бўладики, айрим
колхозларда бошланғич партия ташкилотлари сиёсий
ўз мавқеалари даражасида турмайдилар. Сиёсий
қўзғилишларни четлаб ўтиб, факат хўжа-
лиқ ишларига берилиб кетадилар. Бошланғич
партия ташкилотининг секретари эса колхоз раи-
сининг буйруқларини бажарувчи ёрдамчига ай-
ланиб қолади. Бунга Базан район партия ко-
митетларининг ўзлари ҳам сабаби бўладилар.
Райком секретарлари колхозларда булганлари-
да раислар билан бевосита ишчи хал этиб, бош-
ланғич партия ташкилотлари секретарлари бил-
ан талашшиш, улarga йўл йўриқлар беришни
эсларидан чиқариб қўядилар. Айрим райком
ходимларининг қон-қонига сингиб кетган бундай
нотўғри хатти-ҳаракатларга қатъ қўйиш керак.

КПСС XXIII съезди кўрсатиб ўтганидек,
коммунистларнинг фикри ва тақлифларига
кўпроқ эътибор бериш ва ҳурмат қилиш
зўрур; партия ташкилоти партия Устави-
нинг талабларидан чекинишга йўл қўйган
ҳар бир коммунистнинг ҳатосини ўз вақтида тў-
ғрилаш, ишдаги камчиликларининг қўлеиб кети-
шига йўл қўймаслик ишончлиги эга бўлмоғи
учун танқид ва ўз-ўзини танқидни кенгайтирадиган
шароит яратиб бериш зарур. Танқидни бў-
ғувчиларни энг қаттиқ жавобгарликка тортиш
керак.

КПСС XXIII съезди қарорларини оғишмай
амалга ошириш, партия ҳаётининг ленинча нор-
маларини ижтисил қилиш бўлиши ҳар бир
партия ташкилотининг, коммунистнинг муқад-
дас бурчидир.

Ҳамма хўжаликларда бошланғич партия таш-
килотларининг ролини кескин ошириш, уларнинг

сиёсий ва ташкилотчилик, етакчилик феазилатла-
рини кучайтириш—область, район партия комитет-
ларининг энг муҳим вазифасидир.

Колхоз раиси ўз билим доирасини кенгайти-
риши, хўжаликни кўтаришда ёрдам берадиган
фан ва илгор тажрибани тинмай ўргангани ва
жорий этиши «маркс-ленинча фан асосларини,
революцион назарияни, эгаллаш зарур. Базан
шундай ҳолларга ҳам дуч келамизки, колхоз
раислари хатто партия сиёсий ўқувига ҳам қат-
нашмайдилар. Партия интизоми ҳамма учун
реҳбарлар учун ҳам, оддий ходимлар учун
ҳам бирдир. Партия комитетлари ҳар бир раис-
нинг, колхоз раҳбар ходимларининг ўқини, ўз
билим даражасини ошириш ҳақида ғамхўрлик
қилишлари лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети-
нинг ақинда бўлиб ўтган IV Пленуми қишлоқда
турмуш маданиятини юксалтириш ва жамоат
қорчилигини ривожлантириш масалаларини
кенг муҳокама қилди ва тетишли тadbирлар бел-
гилади. Пленум ишлаб чиққан тadbирларни
амалга ошириш колхоз раҳбарларидан моҳирлик
билан, ақл-парок ва ташаббус билан иш туттишни
талаб этади.

Колхозчилар ҳақида, ҳар бир хонадоннинг ма-
даний-маъий аҳволи тўғрисида ғамхўрлик қи-
лиш—колхоз раисининг биринчи даражаги ва-
зифасидир. Қишлоқ ободончилиғи, қишлоқда
савдо маданиятини ошириш, уй-жой қурилиши,
водопровод, канализация, дорихона, кесалхона,
мактаб, болалар муассасаларининг тармоқлари-
ни кенгайтириш, маданий-маъий масалалар,
хуллас инсон ҳаёти, бахт-саодати учун, комму-
низм улғу ишининг тантанаси учун ниманики за-
рур бўлса ҳаммаси колхоз раис, правление
аъзоларининг эътиборидан сира четда қолмас-
лиги лозим. Бошланғич партия ташкилоти бу
ишларга бош-қош бўлиш, раҳнамоллик қилиш
лозим.

Раис—колхоз қишлоқнинг отахони, меҳрибон
мураббийсидир. Унинг обрў-эътибори, иззат-
ҳурмати халққа, оммага яқинлигида, садоқат
билан хизмат қилишда намоён бўлади. У комму-
низм улғу ишига, халқ, партия ишига садо-
қатли кишидир. Коллектив хўжалигининг ҳарта-
рефламга гулқираб ривож топиши—шу отахон
ларимизнинг юшқин меҳнатига, ғайрат жасорати-
га кўл жикатдан болмайди. Бизнинг колхоз
раисларимиз улғу замонамиз ва унинг юксак та-
лаблари даражасида туриб, социалистик кишлқ
хўжалигимизнинг, советки пахтачиликнинг
равнаки йўлида, қишлоқ меҳнаткашларининг бахт
саодати, фаровонлиғи йўлида ҳормай-толмай ку-
рашмоқдалар.

[«Совет Ўзбекистонининг 20 сентябрдаги
бош мақоласи»]

ОСМОНДАГИ ЖАСОРАТ

ЭКИПАЖ аъзолари аэропорт гулзорларини бироз айлан-нишда, буш турган скамейкага бориб ўтиришди. Улар ҳар реис олдидан шундай қилишди. Бу ернинг ҳавосидан тўйиб-тўйиб на-фас оладилар, манзарасига бо-қиб кузур қилдилар. Еллар гул-ларнинг қушбўйи хидини олиб ке-либ димоққа уради. Салкин ша-бада юз-кузларини оҳиста силаб ўтади. Аэропорт чироқлари-чи! Ух-ху, тагин ҳам гўзал. Тун чод-рини лора-лора қилгудек эрки-раб тоғ отгунча порлайди. Уфк-сиз майдоннинг бир бурчагидан ер бағирлаб келаётган самолёт ҳам, учига шайлашиб текис йў-каларда айлана жасётган лайне-рлар ҳам бу чироқларда кумуш-дек товланиб кўринадилар. Ийги-тлар ерми соатча аэропорт оқш-мига маҳлиё бўлиб ўтиришган:

— Қани оғайнилар, энди бо-риб машиналарни сафарга шай-лейверсак ҳам бўлади, — деди кема командири Сергей Богдан-нов соатига қараб.

Аэропорт ҳовлисида қиқшиган-да «ИЛ—18» ҳаво лайнери старт майдониде қомат қилиб турарди. Техник куридан аллақачон ўтиб бўлган у. Экипаж аъзолари са-молетни яна бир бор кўздан ке-чириб борт журналичига имзо че-касалар бас, учинча рухсат берила-ди.

Экипаж аъзолари билан изма-из кема бортга пассажирлар ҳам кўтарила бошлади. Ийги-тлар ўз участкаларидаги прибор-ларни контрол қилишдан ўтказ-гуналарча 70 пассажирнинг ҳама-си салонларда ўз жойларини эгалладилар. Уларнинг кўпчили-ги бўйинга қизил галстук таққан болалар. Зилзиладан зарар кур-ган оилавларнинг фарзандлари, улар Адлер ва Киев пионер ла-герларида ёзиб қолганларини

ўтказиш учун кетишди. Катта-лар ҳам оз эмас салонда. Ҳамма-нинг кўнгли шод. Аниқсиз бола-лар унинг, дорикчи куттишди. Кема командири салонларни айланиб кишилар чекрасида фа-қат хотиржамликни кўрди. Сунг кабинага кириб эшикни ағди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, навбатчи диспетчер учинча рух-сат берди. Командирнинг қоман-даси билан тўртта мотор бирин-кетин гулдиллаб кетди. Торюз-лар аста-секин бўшатилди. «Пул-ат куш» прожектор ағдусида нурга қўйиб турган учинч полосо-си бўйлаб рейсга равона бўлди.

Мусаффо осмон узра сочилиб кетган сон-саноксиз юлдузлар олис-олисларда миттираб кўри-нади. Самолёт ҳам шу юлдузлар-га ошқикетгандек тобора баланд-лашиб борарди. Фақат мотор-ларнинг гувергунига сокин тунни ларзага солмоқда, холос. Аҳа-н аҳада кўшни полосалардан учиб келаётган лайнерларнинг ҳам чи-роқлари кўзга ташланиб қолади.

Командирнинг ҳам кайфияти жойи-да. Аллақандай ашуфани биргала-шиб хиргойи қилиб кетишди. Самолёт 3500 метр баландликка чиқиб олиб, юқори тезликда учиб бормоқда. Метеорологик шароит бугун нақадар яхши. Қани энди космик тезликка ушанг.

— Уртоқ командир, учинчи мо-торнинг овози ўзгарди, — деб қолди шу пайт борт механиги Константин Бурков.

Ийгитлар ялт этиб унга қараш-ди. С. Богданов дарҳол рулни 2-учувчи Александр Бугайга топ-шириб борт механигининг олдига келди. Командир кўп йиллар ави-а-техник бўлиб ишлаган. Дагга-телининг овозидан қайси қисм қандай ишлайётганини дарров ан-г

лаб олади. Ҳозир ҳам моторнинг бўғи гуверига бир зум қулоқ со-либ турди-да сўнг:

— 3-моторни ўчиринг, — деб буюрқ берди. Ҳа, эса ўтга қа-ши бериладиган сувқиликни дви-гателга юборди. Корпус бир сил-кинчи учинч тезлиг пасангандек бўлди.

Командир дарров ер билан боғланди. Воқеани эшитган нава-батчи диспетчер Ф. Губанинг ху-ш бошдан уча ёзди.

— Шароит нимани талаб эта-ди! — сўради у кема командир-дан, кўрсатма бериш ўрнига.

— Орқага қайтамиз!

— Қарши эмасмиз. Қарорингиз-ни бақаринг.

Самолёт ярим доира ҳсаб изи-га қайтди. Орадан бир ярим минут ўтмаган ҳам эдики, К. Бур-ков 4-моторнинг ҳам ноаниқ иш-лаётганини сездди. Нима қилиш

керек! Самолёт гўё чўкиб кета-ётгандек эди. Айрим жойларда секундида бир метрдам пасайиб бормоқда. Ичкарида одамлар. Ҳеч нарсадан беҳабар бемалол ўтиришди. Болаларни эса алла-қачон уйку элтган. Ҳозир мотор-ни ўчиринг тизлиги пасангандек бўлди.

Дарҳол моторни ўчиринг. Ёнига қарши системаларни иш-га солинг, — буюрди С. Богдан-нов шошилган равишда. Сўнг рэ-дист Рем Галлямовнинг қўлидан микрофони олиб ер билан гап-лашшга тутинди.

— Бир томондаги икки мотор мутлақо сафдан чиқди. Машина унга оғиб бормоқда. Кўн

майдонини айтинг, параметрларни белгиланг.

Диспетчерлик пунктдан шу зумини ўзидаёқ кўнш шартлари берилди. Параметрлар қўрсатиш-ди. Лекин самолётни бошқариш-тобора оғирлаша борди. Учувчи-лар рулни компакт бўйича қанча-лик тўғри туттишмасин, машина бир томонга ёнбошлашда давом эттаверди. Командирнинг ҳам, ик-кинчи учувчининг ҳам қўйлақлари жинжа хўл бўлиб кетди. Борт ме-ханиги эса қолган икки моторга тикилганча турбди. Ёқилар йў-ларига ҳам дамба-дам қараб кў-ради. Ёнига фалокат фақат шу участкада содир бўлиши мумкин. Йўқ, ёнига қарши қўйилган сис-тема ҳозирча аниқ ишлаб туриб-ди. Яна у моторларни қулатишга тутинди.

Самолёт ҳамон пасайиб бормоқда. Ана зимистон тубида мил-

тиллаб чиқоқлар ҳам кўришиб қолди. Бу аэропорт. Яна озорқ мувозанат сақланса самолёт кў-нш полосасига қиради. Қандай бўлмасин бу операцияни беш-каст бақариш керак. Йўқсиз одам-лар... Командир экипаж аъзолар-ига қисқа ва аниқ командалар бера бошлади. Ҳар бир ҳаракат, ҳар бир дақиқа қимматли ҳозир. Ҳа, янгилишиса ҳам тавом. Ма-шина ерга бориб тушгунча билан қадалиши мумкин... Йўқ, ҳозирча у ер билан аниқ параллеллашиб қолди. Бўшашиш керак эмас. Яна озорқ насофа қолди.

Улар нихотда аниқ ишлайди. Командир бераётган командалар-ни бағоят мохирлик билан бақар-ишди. Машина қанчалик қай-сарлик қилмасин унинг эртди эки-паж аъзолари қўлида қолаверди. Пировардида беш шоввоз икки мотори шиддан чиққан 70 тона-лик «ИЛ—18» ҳаво кемасини 3500 метр баландликда бешкаст ерга қўндиришга муваффақ бўл-ди.


Экипаж аъзолари кабинада бир-бирини маҳкам қучиб узоқ туришди. Уларнинг қўшдек энгил ҳис этишарди ҳозир. Гўё улар оламга қайта қалгандек. Капитан рўмолчаси билан юз-куз-ларини эртди-да, чўкур тин олди. У ҳавода турт миллион километр иул босиб шунчалик қараманг эди. Бу реис унинг ийгитларига қанчалик қўтилмаган фалокат туғдиришини ҳаёлига ҳам келтир-маган эди. Сергей Богданов аста кабинадан чиқди-да, пассажир-ларга юзланиб энгилгина жип-майди.

— Қани ўртоқлар, етиб келаж, уйғинлар.

Тропдан ҳорғин тушиб келаёт-ган беш азаматни ердагилар қу-чоқ эзиб қучиб олдилар. Нима гап бўлганини пассажирлар ҳеч билишолмасди. Тубсиз зимис-тон қариди рўй берган мўдҳис воқеани уларга иккинчи самолёт-га чиққанларидан кейин айтиб бе-ришди.

Ҳозир Ўзбекистон граждэн ҳа-во флотининг С. Богданов ҳаво-лик экипажи янги рейсга ҳозир-ланмоқда. Ийгитларнинг ҳаммаси ҳар қандай қийинчиликларни бар-тароф этишга тайёрдилар.

Ж. НОСИРОВ.



Суратда: экипаж аъзоларидан штурман В. Гольников (чапдан), мандари С. Богданов, борт ме-ханиги К. Бурков ва 2-учувчи А. Бугай ўртоқлар навабдаги рейсдан қайтганда. А. Абалтин фотоси.

Реклама

ВА/Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

21 СЕНТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — Телеви-он йиғилишлар, 18.20 — «Урожай» виставки (расм чилиши сезув-чилар учун), 18.50 — Билиб қўй-ган яхши фильм-оммабоп фильм), 19.20 — Янги аттракцион (ино-фильм), 20.50 — Эртанг кун програм-маси.

Ўзбек тилида: 20.55 — Телеви-он йиғилишлар, 21.10 — Дала гвардиячилари (қилиш ҳужалик ходимлари учун), 21.30 — Ком-цет, 22.10 — Киносаватлар альянажи (кинофильм), 22.30 — Бадий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.00 — Кичкина Тини Москвага боради (болалар учун), 17.55 — Иудуша Головлёв (бадий фильм), 19.10 — Тошкент-янгиликлар.

ТЕАТР

ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРАДА — 21/IX да Ўтирилган умр, 22/IX да Котил.

КИНО

Уруш ва тинчлик — САНЪАТ САРОН (кенг форматли рағли бадий фильм, икки қисмдан иборат 1-серия, кундуз ва кечқу-рун)

Бугун янги аттракцион — «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кун-дуз ва кечқурун).

Ойла тумори (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да), Арча-ишлар малинаси (кундуз ва кечқурун) — «КОСМОД 30 ИЛИГНИ» — Одиссей саёҳати — НАВОНИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

ЭЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8.20 минут ва 10 да) Бугун янги аттракцион — «ФЕСТИВАЛЬ» КАФОНОВ номли, НАВОНИЙ номли. Меннинг севгим — «УДАРНИК», Ойла тумори — «ВАТАН». Боши очик — ПУШКИН номли, Девогешар — 9 МАЙ номли.

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКАДА

(бағи театр) 21 сентябрда ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМО-НИЙСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТ-ЛАРИНИНГ

концерти

Концертда: Ўзбек кистон СССРда хизмат кўрсатган ар-тистлар Кундуз Мирнармо-ва, Таштемир Шарипов, со-дишлардан Олмадон Ханито-ва, Гулҳади Исмоилова, Хад-на Алмирдодова, Тўхта Ри-метова, Низом Садров, Рус-там Мадрасов, Нуманов Бообоннов ва ўзбек халқ чо-гу ансамбли катнашди.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Ўйгитлар пар-касасида кундуз соат 2 дан сотилади.

1-ТОШТРАНСПЕЦСТРОЙ-ТРЕСТИНИНГ 4-КУРИЛИШ БОШКАРМАСИГА

йўл ишчилари, трубуноладчи-слесарлар, йўл машиналарини ремонт қилувчи мотористлар, йўл катонлари машинистлари

К Е Р А К

Муронав учун адрес: Тош-кент шаҳар, Чилонзор масеи, III квартал, 7-й, кўнраб бў-лими (3, 14, 24, 29, 54-автобус: 9, 10, 11-трамвайнинг «Сит-ройтрест» остановаси, 9, 11-трамвайнинг «Чилонзор» оста-новаси).

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ-ТРАНСПОРТ БОШКАР-МАСИГА

автотранспортни ремонт ва эксплуатация қилувчи инженер-техники ходимлар, бош ва старший бухгалтер-лар.

автотранспорт экономикаси ва унети билан таниш эконоимистлар, надр старший инспекторлари, шоферлар, ҳамма ихтисосдаги авторемонтчилар

К Е Р А К

Муронав учун адрес: Тош-кент шаҳар, Навоий кўчаси, 22-й, кўнраб бўлими (11, 14, 26-автобус, 1, 4, 8-трамвай-бус, 7, 8, 11-трамвайнинг «Об-ласть ижорони» останова-си).

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ-ТРАНСПОРТ БОШКАР-МАСИГА

автотранспортни ремонт ва эксплуатация қилувчи инженер-техники ходимлар, бош ва старший бухгалтер-лар.

автотранспорт экономикаси ва унети билан таниш эконоимистлар, надр старший инспекторлари, шоферлар, ҳамма ихтисосдаги авторемонтчилар

К Е Р А К

Муронав учун адрес: Тош-кент шаҳар, Навоий кўчаси, 22-й, кўнраб бўлими (11, 14, 26-автобус, 1, 4, 8-трамвай-бус, 7, 8, 11-трамвайнинг «Об-ласть ижорони» останова-си).

РЕДАКТОР А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШ-КЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбеки-стана, областного Совета депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЈА ТЕЛЕФОНИЛАРИ: Редактор — 835212, Редактор уринбосар-лари — 835885, 836232. Машуъл секретарь — 834808. Пропаганда, адабонт ва санъат бўлимлари — 838136. Партия турмуши — 838181. Санъат, транс-порт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлимлари — 833786. Кишлоқ ҳу-ма-лиги, фан, маданият ва олий-узоқ юртилари бўлимлари — 839050 Совет иш-лари, маиниш ва шаҳар ҳужалиги бўлими — 838761. Хатлар ва оммави-ишлар бўлими — 834048. Ўзлонлар бўлими — 838761. Хатлар ва оммави-ишлар бўлими — 838142. Коммутиатор — 830249 дан 830258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриятининг босмаханаси, Тошкент шаҳри.

Р. 13923. ИНДЕКС 64869. Г. 1206.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШ-КЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбеки-стана, областного Совета депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЈА ТЕЛЕФОНИЛАРИ: Редактор — 835212, Редактор уринбосар-лари — 835885, 836232. Машуъл секретарь — 834808. Пропаганда, адабонт ва санъат бўлимлари — 838136. Партия турмуши — 838181. Санъат, транс-порт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлимлари — 833786. Кишлоқ ҳу-ма-лиги, фан, маданият ва олий-узоқ юртилари бўлимлари — 839050 Совет иш-лари, маиниш ва шаҳар ҳужалиги бўлими — 838761. Хатлар ва оммави-ишлар бўлими — 834048. Ўзлонлар бўлими — 838761. Хатлар ва оммави-ишлар бўлими — 838142. Коммутиатор — 830249 дан 830258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриятининг босмаханаси, Тошкент шаҳри.

Р. 13923. ИНДЕКС 64869. Г. 1206.

ЧЕХОСЛОВАК МАТБУОТИ КУНИ

ПРАГА, 1920 йил 21 сен-тябрда Чехословакия Комму-нистический партиясининг органи — «Руде право» газетасининг би-ринчи соини чиққан эди. Энди-ликда 21 сентябрь кунини мат-буот, радио ва телевидение кунини сифатида нишонланмоқда.

Чехословакия Социалистический Республикасида ҳозирги вақт-да 1300 гаёта ва журнал чи-қариламоқда. Мамлакатда турт миллиондан кўпроқ радиопри-ёмник ва 2,550 минг телевизор бор. Газеталарнинг кундналик тиражи турт миллион нусха-дан иборат.

47 МАМЛАКАТДАН

ПЛОВДИВ. Бу ерда 22-халқ-аро ярмарка очилди. Ярмаркада барча қитъалардаги 47 мамла-катнинг 1,000 дан ортқк саю-ат ва савдо бирлашмалари, фирмалари қатнашмоқда. СССР павильонда 18 та совет ташқи савдо бирлашмасининг экспонатлари қўйилган.

ҚОТИЛЛАР ТАЛАФОТ КЎРМОҚДАЛАР

ХАНОЙ, Жанубий Вьетнам Озодлик армиясининг жангчи-лари 17 сентябрда Зиаднинг виллоятда АҚШ армиясининг муҳим таъминот базасига ҳу-жум қилдилар. Жанубий Вьет-нам ватанпарварлари шу кунин

Жибутидаги воқеалар

ЛОНДОН. Мустамакатга дар-ҳол мустанлиқлик бериш тараф-дорлари томондан 13 сентябрда уюштирилган оммавий намойиш-дан сўнг ҳар кунин ўтказиладиган облага вақтида Франция Сома-лисининг полицияси 730 кишини қамоққа олди. Рейтер агентлиги муҳирининг Жибутидан хабар беришича, полиция ўтган шабёя кунин 2,300 га яқин кишини уш-лаб олиб сўроқ қилган.

Губернаторнинг фармойишига кўра, полицияга ҳужжатиини кўр-сатишдан воз нечган ҳар қандай кишинга ўқ отилиши, деган қатъ-ий буйруқ берилган.

Сенатор Морзенинг айтганлари

НЬЮ-ЙОРК. Сенатор Мор-зе АҚШ ҳукумати ўзининг Таи-ланддаги қўнрабчилари Америка халқидан ялпирмоқда, деб ҳу-кумати айблади. ЮПИ агент-лигининг хабарида айтилиш-ча сенатор Маднонда (Нью-Йорк штати) нуқъ сўзлаб айтдики, ҳозирги вақт-да Таиландда бундан икки йил муқаддам Вьетнамда бўлганга қараганда кўпроқ Америка ку-роғли кучлари турибди.

ЮПИ агентлиги Таиланд Вьетнамдаги объектларга Аме-рика самолётлари қилаётган қўнраб ҳужумлар учун база

мат қўнрабларининг постига атака қилиб, 80 га яқин сол-датни ўлдирдилар ва жароҳат-лантирдилар.

Феодализм сарқитлари тугатилсин

ҚОҲИРА. Мамлакатда феода-лизм қолдиқларини тугаттиш би-лан шуғулланувчи комитетнинг бу ерда бўлиб ўтган мажлисида

туртта йиринк ер эгаси оиласи-нинг мол мулкунини давлат фойда-сига хатлаш тўғрисида қарор қа-бул қилди.

Бирлашган Араб Республикаси-нинг ҳукумати йиринк феодаллар орасидан реакция элементлар феодалининг чеклиш сисбатини ўтказмоқда. Кейинги ойларида ҳукумат маълумлари бир неча ўн-йиринк феодал оиласининг мол-мулкунини бу ортқк ернинг давлат фойдасига хатлади. Ерлар деҳ-қонларга бўлиб берилмоқда.

Аргентина ёшларининг кураши

БУЭНОС-АЙРЕС. Яқинда полиция томондан ваҳийлар-ларча ўлдирилган студент Сан-тьяго Помпилине хотирасини бутун Аргентина ҳурматлади.

Кордова шаҳрида сукунат марши бўлиб ўтди. Унда 2,5 минг студент ва ишчи қатнаш-ди. Мамлакат ёшлар ташкилот-

ШАХМАТ

ПОЙТАХТ БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

М. Горький номидаги маданият ва истироҳат боғида пойтахт XII спартакиадада программа асо-сида қўнғили спорт жаҳиятлари ва ведомстволар ўртасида шах-мат мусобақалари давои эъмоқ-да бўлди «Динамо» «Спартак», «Локомотив» «Буревестник», «Мехнат». Округ офицерлар уйи командаси ва бошқа коллектив-лар беллашмоқда. Ҳар бир ко-манда составида олтинга эриш-ган, икки аёл ва биттадан ёш йигит қиз бор.

Биринчилида тақрибани мас-терлардан В. Борисенко, Г. Бо-рисенко, А. Грушевский, Шах-зода, Е. Мухин, А. Хасидовский,

С. Хожиев, В. Перезовинков ва бошқаларнинг қатнашиши ҳар-бир партиянинг қосқини қўнғилар ўтишига сабабчи бўлмоқда.

Умумоманда ҳисобиди ўт тур-дан кейин «Спартак» жаҳияти шахматчилари пешадаманиқ қил-моқдалар. Округ офицерлар уйи командаси иккинчи, «Локомотив» «Мехнат» командалари учинчи-тўртинчи ўринларда бормоқда-лар.

В. БУДАИ,

мусобақанинг бош судьеси.

Суратда: «Локомотив» (чапда) ва «Буревестник» командалари-нинг учрашуви пайти.

Автор фотоси.

Ярмаркаларда

Навоий кўчасида ташкил этил-ган ярмаркадан хабарингиз бор. Олой бозори ёнида ҳам шундай яр-марка очилганига ҳали кўп бўл-гани йўқ. Ленин кўчасида «Қи-рай» совхозини поз-нечнатлари би-лан савдо қилувчи яна бир яр-марка ташкил этилди.

Савдо хизмати бундан бўён ҳам яхшиланиб боради. Дўстла-ринииз зилзиладан зарар курган Тошкентга йнigma дўқонлар юбор-моқдалар.

Тошкент шаҳар ижроия коми-тетининг савдо бошқармасидан маълум қилишларича, йил охири-гача ҳар бирида уч-тўртта савдо ўрни бўлган 30 та павильон қа-ўд қилиб олинади.

Тошкент Янгиликлари

Прилавкада... тирик балиқ

Пушкин кўчасидаги 1 ва 13 гастрономларга кирган бўлсангиз, савдо қилинаётган тирик балиқ-ларга қўнғилиш тушгандир. Улар Колгай, Чирчиқ ва Дамачидан олиб келинган. Ҳар кунин ўнлаб тонна тирик балиқ райишнотор-лар мағазиналарида умумий ов-қатланни қорхоналарида сотила-пти. Йил охиригача 900 тонна тирик балиқ сотиш мўлжаллан-пти. Шаҳримиздаги бошқа бир қатор мағазиналар ҳам бу тирик маҳсулотни қабул қилиб олишга маҳсус жойлар ҳозирламоқда.

ЯШИЛ ОРОЛЛАР

Шаҳримиз бош планига мувофиқ марказда қўнлаб «яшил ораллар» бунёд этиш кўзда тутилган. Йил охи-ригача 90 минг тул дарахт, 300 минг тул бутта, минглаб гул ниҳол-лари ўтказилган. Ўтказиладиган гул-лар ва кўнраблар бир ярим миллион навадарт метрни ташкил этади. Бу ишларни олиб бориш мақсадида йл-гарини шаҳар кўнамакорлаштириш мониторинг итисослашган қурилиш-мониторинг бошқармасига айлантирил-ди. У Тошкент шаҳар ижроия коми-тети ободонлаштириш бошқармаси ҳузурида ташкил этилди.

Янги бошқарма ўз машиналари, сунъий ёмғир ёғдирувчи агрегат-лар, кўчат ўтказувчи механизмла-рига эга бўлади. Бошқарма оле-ктивные шаҳримизда «яшил орал-лар», поёнсиз гулзорлар яратиш иш-ларини бошлаб юборди.

АЛОҚАЧИЛАР ХИЗМАТИ

Шаҳримиз анча кенгайиб кет-ди. «Москва», «Октябрь», «Пар-тия XXI сьезди» қоллоқлари тер-ритория